

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 22 август, № 172 (7402) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ХАЛҚИМИЗНИНГ ҲАЁТДАН МАМНУНЛИГИНИ КЎРИШ ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИДИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар ижроси билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 20-21 август кунлари Қорақалпоғистон Республикасида бўлди.**



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**

Ташрифнинг иккинчи куни Президентимиз раислигида Нукус шаҳрида Қорақалпоғистонни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши, шаҳар ва туманлари сектор раҳбарлари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирок этди.

Йиғилишда барча ҳудудда бўлгани каби Қорақалпоғистонда ҳам ижобий сифат ўзгаришларига эришилгани таъкидланди. Биринчи ярим йилликда ялпи ҳудудий маҳсулот 7,2 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5,4 фоиз, қурилиш ишлари ҳажми 45 фоиз ўсган.

Президентимиз ҳудудда ҳали муаммолар кўплигини, саноатни ривожлантириш, иш ўринларини кўпайтириш бўйича ишлар етарли эмаслигини таъкидлади.

— Бу ерга қарсак учун эмас, ишлаш учун, халқимизнинг кўзига қараш учун келдим, — деди Шавкат Мирзиёев. — Дунёқарашини ўзгартирмаган сектор раҳбарлари оёғимизга кишан. Ишга кирган битта хотин-қизнинг бахтини тасаввур қиласизларми? Ёшларни ким етаклайди, уларга тўғри йўналиш беради? Мўйноқ мисолида кўрдиларингиз. Одамларнинг кўзларида “қилса бўлар экан-ку”, деган нур бор. Лекин энди бу тарих. Ҳамма туманларда шундай ўзгаришлар қилиш керак.

Биринчи ярим йилликда Қорақалпоғистонда саноат ишлаб чиқариш ҳажми атиги 0,5 фоиз ўсгани, Тахтакўпир, Шуманай, Нукус, Чимбой, Тўрткўл, Кегейли туманларида саноат деярли йўқлиги танқид қилинди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорлик ривожи ҳам суст.

— Охирги уч йилда тубислоҳотлар натижасида кўплаб соҳаларни эркинлаштирдик, уларнинг ривожига халақит берган чекловларни бекор қилдик. Қорақалпоғистонда ҳам ҳар бир сектор раҳбари чекловларни бекор қиламан, тадбиркорга хизмат қиламан, деган қоида, шиор билан ишлаши керак, — деди Президент.

Йиғилишда Қорақалпоғистонни янада тараққий эттириш бўйича бешта устувор йўналиш белгилаб берилди.

Биринчиси — саноатни ривожлантириш, барча тармоқда йирик ва кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этишдан иборат.

Иккинчи устувор йўналиш тадбиркорлик жадал ривожланиши учун кенг йўл очиб бериш ва уни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашдир.

Қишлоқ хўжалигида илғор технологияларни кенг жорий қилган ҳолда, ишлаб чиқариш ҳажми, ҳосилдорлик ва маҳсулот турларини кескин ошириш учинчи устувор йўналиш этиб белгиланди.

Тўртинчиси — ишлаб чиқариш ва одамлар учун қулай бўлган замонавий инфратузилмани яратиш.

Оролбўйи аҳолисининг яшаш шароити ва турмуш даражасини яхшилаш юзасидан кенг қамровли ишларни амалга ошириш эса бешинчи устувор йўналиш сифатида эълон қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев ҳар бир йўналишда назарда тутилган масалаларга алоҳида тўхталиб, улар бўйича фаол ишлаш зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, ҳар бир туман ва шаҳарнинг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларидан келиб чиқиб, уларни турли соҳаларга ихтисослаштириш бўйича тавсиялар берилди.

Жумладан, Қораўзак тумани қурилиш материаллари, Беруний, Хўжайли, Нукус туманлари мева-сабзавотчилик, Тахтакўпир чорвачилик, Шуманай паррандачилик, Элликқалъа узумчилик ва туризм, Мўйноқ балиқчилик ва чорвачилик, Кегейли чорвачилик, қизилмияни қайта ишлаш ва қоғоз саноати, Қонликўл тумани дуккакли экинлар ва шоли етиштиришга ихтисослаштирилиши қайд этилди.

Қўнғирот туманини нефть-кимё саноати ва чорвачиликка, Чимбойни қизилмия етиштириш ва қайта ишлашга, Тўрткўлни шиша, ойна ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, Амударё туманини боғдорчилик, тўқимачилик ва пиллачиликка, Нукус шаҳрини эса фармацевтика ва электротехникага ихтисослаштириб, Тахиатош туманини саноат ишлаб чиқариш ҳудудига айлантириш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Йиғилишда сектор раҳбарлари Президентимиз берган топшириқларни бажариш, ўз ҳудудида вазиятни яхшилаш, кутилган натижага эришиш бўйича кафолат берди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили Қорақалпоғистонга ташрифи доирасида мамлакатимизни янги тараққиёт босқичига кўтаришда, энг аввало, салоҳиятли янги авлод кадрларини тайёрлаш зарурлиги, бунинг учун юртимизнинг ҳар бир ҳудудида биттадан янги типдаги таълим муассасалари — Президент мактаблари ташкил этилишини таъкидлаган эди.

Президентимизнинг жорий йил 20 февралда “Президент мактабларини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжат ижроси доирасида Президент мактаблари мамлакатнинг барча ҳудудида босқичма-босқич ташкил этилмоқда.

Айни пайтда Нукус, Наманган, Хива ва Тошкент шаҳарларида Президент мактаблари қурилиши жадал давом этмоқда.

Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳридаги Президент мактабида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетига тегишли ҳудудда қурилаётган ушбу таълим муассасасига жорий йилнинг март ойида тамал тоши қўйилган. Икки гектар ҳудудда замонавий ўқув биноси, ётоқхона, ошхона, стадион қурилмоқда.

Президент мактабларини ташкил этишдан асосий мақсад мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларнинг ривожланишига зарур шароитлар яратишдир. Энг қобилиятли ўқувчилар танлаб олинадиган бу мактабларда ёшларга математика, физика, кимё, биология ва ахборот технологиялари ҳамда хорижий тиллар илғор таълим услублари асосида чуқур ўргатилади.

Шу билан бирга, мактабларга хорижлик ва маҳаллий малакали педагоглар жалб этилади. Уларнинг фаолият юритиши учун керакли шароитлар яратилади.

Мазкур мактабларда ўқув жараёни хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастурлари бўйича инглиз тилида амалга ошириладиваа “STEAM — таълим” (Science — табиий фанлар, Technology — технология, Engineering — техник ижодкорлик, Art — санъат, Mathematics — математика) дастури асосида олиб борилади.

Президент мактабларининг 9 — 11-синфларида таълим олиш ўқувчиларнинг қизиқишига кўра айрим фанни танлаш ва уларни ўрганиш даражасини инобатга олган ҳолда индивидуал ўқув жараёни асосида амалга оширилади.

Мактаб битирувчилари белгиланган тартибда давлат томонидан тасдиқланган шаҳодатнома, аттестат билан бир қаторда, халқаро даражадаги тегишли дастур дипломи (International Baccalaureate, Advanced Placement ёки International Advanced Levels)га эга бўлади. Бу эса, ўз навбатида, хорижий олий ўқув юртларига кириш имконини беради.

(Давоми 2-бетда).

**ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМА БИРИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ОЛДИДАН**

## ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА ТЕЗРОҚ УЙҒУНЛАШИШГА ТУРТКИ БЕРАДИ

*Халқаро узумчилик ва виночилик ташкилоти 1924 йилда ташкил этилган бўлиб, вино хом ашёсидан ичимликлар ишлаб чиқариш, узумчилик ва виночилик соҳасидаги илмий-техникавий йўналишдаги ҳукуматлараро тузилма ҳисобланади. Бугунги кунда у жаҳонда вино ишлаб чиқаришнинг 88 фоизини ташкил этувчи 47 та аъзо давлатни бирлаштирган.*

“Халқаро узумчилик ва виночилик ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги Битимни ратификация қилиш ҳақида”ги қонун билан Ўзбекистон ҳам ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланади. Бу бизга нима беради?

Аввало, ХУВТга аъзо бўлиш мамлакатда узумчилик ва виночиликнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Хусусан, халқаро шериклар ва истеъмолчилар билан яқин ҳамкорликда фаолият юритиш имконияти яратилади. Шунингдек, бу борада жаҳон ҳамжамияти билан ахборот ва тажриба алмашиш, халқаро стандартларга тезроқ ва аниқроқ уйғунлашишда амалий ёрдам кўрсатиш, янги стандартларни ишлаб чиқиш, узумчилик ҳамда виночилик соҳасида халқаро экспертлар ёрдамидан фойдаланиш янада осонлашади.

➔ 2

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати йигирма биринчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлиси 2019 йил 23 август куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига!**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2019 йил 22 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

**Депутат фикри**

## МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИГА ҲИССА ҚЎШИШ — ТАРИХИЙ ИМКОНИЯТ

*Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида ўтган даврда амалга оширилган ишлар, эришилган натижаларни таҳлил қилиш, холисона баҳолаш эзгу анъанамизга айланган.*

Шу ўринда Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномалари ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш парламент қуйи палатаси фаолиятининг устувор йўналишига айланганини қайд этиш лозим.

Биргина жорий йилнинг биринчи ярмида Қонунчилик палатаси депутатлари ўз сайлов округларидаги жами 8 311 хонадонга ташриф буюриб, 4 645 та учрашув ўтказишди, 137 мингдан зиёд фуқаролар, шу жумладан, 13 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан бевосита учрашув ва мулоқотлар ташкил қилди.

➔ 3

# МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ — БИЗНИНГ МИЛЛИЙ ҒОЯМИЗДИР

Ҳар бир инсон ўз ҳаётий позициясига эга. Лекин уларни кесиштирувчи бир нуқта бор. Бу — Ватан тақдири! Юрт келажагига дахлдорлик масъулиятини кучайтириш эса миллий ғоямизнинг асосини ташкил этади.

**Маънавият**

*Ватан ҳам бир муҳташам иморат кабидир. Мустақиллик сабаб унга мустаҳкам пойдевор қўйдик. Энди эса бақувват устунлар керак! Бу устунлар сизу бизнинг, барчамизнинг Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатимиз эмасми?*

*Ўзбекистонда сўнгги йилларда бўлаётган ўзгаришларни дунё жамоатчилиги нима учун бу қадар олқишлаяпти, эътироф этяпти, деб ўйлайсиз? Бунинг асл сабаби шуки, давлатимиз бошлаган ислоҳотлардан халқимиз амалда наф кўрмоқда, янгиланишлар натижаларини ўз ҳаётида ҳис қиляпти. Демак, танлаган йўлимиз тўғри! Хўш, ана шундай вазиятда томошабин бўлиб ўтириш ярашадими? Ўз уйимизда — ўз Ватанимизда гўзал иморатлар қурилаётган бўлса-ю, унга бир ғишт қўймай туриб, фидойилик, ватанпарварлик ҳақида гапириш ўринлими?*

*Шу маънода айтганда, миллий юксалиш ғояси, аввало, кўп миллатли халқимизнинг, мамлакатимиздаги барча ижтимоий қатламларнинг эзгу орзу-интилишлари ва манфаатларини ифода этиши билан аҳамиятлидир. Ўз навбатида, у халқ, давлат ва жамият иродасининг миллий тараққиёт йўлида ноёб ҳодиса сифатида намоён бўлишидир. Пировард мақсад эса одамлар ҳар томонлама озод, эркин ва фаровон яшайдиган адолатли давлат ва жамият барпо этишдир.*

*Қуйида соҳа мутасаддилари, мутахассислар ва жамоатчилик вакилларининг бу ҳақдаги фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.*

## Ҳаётий эҳтиёж

Орзудан маҳрум одам камолга эришмоғи мумкин бўлмаганидек, ғоядан айри жамият ҳам тараққий этмоғи амримаҳол. Тарих шоҳид: олдига юксак мақсадларни қўйишдан тўхтаган инсон тубанликка маҳкум бўлгани сингари тараққиёт ҳақидаги ғоялардан мосуво салтанатлар ҳам таназзулга юз бурган. Шу боис замондан ортда қолишни истамаган одам улуғвор орзулар сари интилиши қанчалик зарурат бўлса, жаҳон ҳамжамиятида муносиб мавқе қозонмоғи, тараққиётнинг юксак чўққиларини забт этмоғи учун халқ ҳам миллий ғояга эга бўлмоғи шунчалик ҳаётий эҳтиёждир. Шунинг ўзиёқ Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан миллий юксалиш ғоясининг кун тартибига қўйилиши ғоятда аҳамиятли экани исботидир.

Миллий юксалиш — жамиятнинг олий мақсади. Лекин у ўз-ўзидан амалга ошиб қолмаслиги аён. Бунинг учун ана шу олий мақсадга эришмоқнинг мукаммал тизими ишлаб чиқилиши керак. Давлатимиз раҳбарининг юксак минбарлардан сўзлаган нутқларида унинг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

➔ 2

## Бу заминдан меҳр топдик, қадр топдик

Инсон ўз киндик қони тўкилган жойни азиз ва муқаддас, деб билади. Корейс миллатига мансуб бўлсам-да, мен ҳам ўзим туғилиб ўсган мана шу бетакрор заминни — Ўзбекистонни Ватаним, дея қадрлайман, унинг бир вакили сифатида кўксимни тоғдек кўтариб юраман. Эришилаётган ютуқлардан, жойларда рўй бераётган ижобий ўзгаришлардан қувонаман. Албатта, фақат фахрланиш эмас, балки унинг ривожига ҳисса қўшиш, фарзандлик бурчимни адо этиш учун ҳам интиламан. Чунки тақдиримиз, эртанги кунимиз бизга нон, туз берган шу гўзал диёр билан боғлиқ.

Баъзан эшитамиз, телевизор орқали кўриб қоламиз, дунёнинг қайсидир бир нуқтасида миллатчилик, айирмачилик руҳидаги ҳолатлар кузатилади. Ана шундай пайтда мамлакатимиздаги меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик муҳитининг қадр-қимматини янада теранроқ англаймиз. Шукрки, юртимизда миллати, дини, келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳаммага тенг шароит, имконият яратиб берилган.

Узоққа бормайлик, жорий йилнинг апрель ойида юртимиздаги корейс миллатига мансуб одамлар ҳаётида ўзига хос қувончли воқеа рўй берди. Тошкентда Корейс маданияти ва санъати уйи фойдаланишга топширилди.

➔ 2

# ХАЛҚИМИЗНИНГ ҲАЁТДАН МАМНУНЛИГИНИ КЎРИШ ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИДИР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президент мактабларига қабул имтиҳонлари Кембриж университетининг Cambridge Assessment International Education бренди остида фаолият юритувчи Имтиҳон кенгаши томонидан амалга оширилди.

Нукусдаги Президент мактабига ўқишга 7 мингдан ортиқ ўқувчилар ҳужжат топширган эди, улар орасидан энг иқтидорли 144 ўқувчи ўқишга қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларга алоҳида тўхталиб, Президент мактаблари юртимизда таълим сифатини оширувчи локомотив бўлишини қайд этди.

Шавкат Мирзиёев мактабнинг биноси ҳам, маърифати ҳам мукаммал бўлиши кераклигини, шунинг учун уни шошмасдан, сифатли қуриб, Конституция байрамида фойдаланишга топшириш зарурлигини таъкидлади. Унгача ўқувчилар бошқа бинода ўқиб туради.

Давлатимиз раҳбари мазкур билим даргоҳи учун педагоглар қандай танланаётгани билан қизиқди.

— Бу мактабларнинг ўқитувчиси ҳам, ўқувчиси ҳам энг намунали бўлиши лозим, — деди Президент. — Чуқур билим билан бирга маънавият, ватанпарварлик туйғуси ҳам сингдирилиши зарур. Бу ерга билимли болалар келиши учун ҳар бир туманда базавий боғча ва мактаблар шаклланиши лозим. Шунда умумий билим, савия, таълим муҳити ўзгаради.

Шу ерда Президентимизга Нукус шаҳри бош тарҳи, “Нукус сити” қурилиши режалаштирилаётган ҳудуд ҳақида ҳам маълумот берилди.

Шавкат Мирзиёев Тахиатош туманидаги “Мадед Ботир” фермер хўжалиги даласида ғўза ривожини кўздан кечирди.

Ушбу хўжаликнинг жами ери 110 гектар бўлиб, 60 гектарида пахта етиштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари дала агротехникасидаги камчиликларни кўрсатиб, пахта пишишини тезлаштириш, ҳосилга ҳосил қўшиш бўйича ўз тавсияларини берди. Қишлоқ хўжалигида илм-фандан кенг фойдаланиш, Қорақалпоғистоннинг иқлимига мос навлар яратиш лозимлигини таъкидлади.

Президентимиз Тахиатош иссиқлик электр станциясида қуввати 230 — 280 мегаватт бўлган иккита буғ-газ қурилмасини барпо этиш бўйича амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаси билан танишди.

Тахиатош иссиқлик электр станцияси Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида барпо этилаётган йирик иншоотдир. Бу ерда буғ-газ қурилмасининг биринчи навбати жорий йил охиригача, худди шундай иккинчи қурилма кейинги йил январь ойида ишга туширилади.

Корея Республикасининг “Hyundai Engineering Co. Ltd.” ва “Hyundai Engineering & Construction Co. Ltd” компаниялари ҳамкорлигида амалга оширилаётган лойиҳанинг умумий қиймати 678,2 миллион долларни ташкил этади.

Иккита буғ-газ қурилмаси ишга туширилиши натижасида станциянинг умумий қуввати 730 мегаваттдан 1003 мегаваттгача ошади. Йилига 488,6 миллион куб метр табиий газ тежалишига эришилади. Шунингдек, йиллик сув сарфи 293 миллион куб метрга камаяди. 100 га яқин янги иш ўринлари яратилади.

Айни пайтда иншоотда 85 фоиз ишлар бажарилган. Қурилиш-монтаж, ускуналарни ўрнатиш ишлари давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари буғ-газ ускунаси қурилишини кўздан кечирди. Мазкур янги қувватларни барпо қилишда иштирок этаётган кореялик мутахассислар билан суҳбатлашди.

— Мамлакатимиз энергетика хавфсизлигини таъминлаш бўйича тизимли ишларни амалга оширяпмиз. Саноатни ривожлантириш борасида катта марра олганмиз, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этяпмиз. Булар учун, аввало, мустаҳкам инфратузилма керак. Толимаржон, Навоий, Тўрақўрғон, Тахиатош иссиқлик электр станциялари модернизация қилиниб, қувватлари оширилаётгани ана шундай асос бўлади. Аҳолини, корхоналарни электр энергияси билан барқарор таъминлайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда Президентимизга Устюрт минтақасида нефть ва газ захираларини аниқлаш бўйича олиб борилаётган геология-қидирув ишларининг ҳолати ҳақида ҳам маълумот берилди.

Шу билан Президентимизнинг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи якунланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Алоуддин ҒАФФОРОВ,**
**Умар АСРОРОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

БИЗ ва ЖАҲОН

## ФРАНЦИЯЛИК МУСИҚАШУНОС «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ФЕСТИВАЛИНИ САБРСИЗЛИК БИЛАН КУТМОҚДА

*Франциялик мусиқашунос, «Le Festival d’Ile de France» мусиқа фестивалининг бош директори Оливье Дельсаль Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида қатнашади.*




— Шарқ дурдонаси ҳисобланмиш Самарқанд шаҳрида ташкил этиладиган ушбу бетакрор маданий тадбирда иштирок этишни сабрсизлик билан кутяпман, — деди у “Дунё” АА мухбири билан суҳбатда. — Фестиваль халқаро жабҳадаги ҳаяжонли ва кенг миқёсли тадбирлардан бири бўлиб, у турли қитъаларнинг анъанавий мусиқа ва рақс ижрочиларини бирлаштирмоқда.

Фестиваль доирасидаги “Моддий ва номоддий маданий меросни асраш: долзарб муаммолар ва уларни ҳал қилиш стратегияси” мавзуидаги халқаро конференцияда иштирок этиб, унинг шуъба йиғилишларидан бирига модераторлик қиламан. Анжуманда турли мамлакатлар олимлари ва мутахассислари ўзаро тажриба алмашиш, янги тадқиқотлар ва кашфиётлар натижалари юзасидан фикрлашиш имкониятига эга бўлади.

Шунингдек, ўзбек халқининг маданий мероси намуналари ҳамда миллий чолғу асбоблари кўргазмалари, арт-бозор ва бошқа тадбирларнинг ташкил этилиши ҳам эътиборга моликдир. Фестиваль деярли бир ҳафта давом этиб, катта гала-концерт билан якунланади.

Дунё халқларининг мусиқий анъаналарини сақлаш, турли маданиятларни ўзаро бойитиш, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашни мақсад қилган ушбу тадбир Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини ёрқин ва самарали намойиш этиш, унинг тарихий меросини оммалаштириш ва мамлакат сайёҳлик имижининг кенг тарғиботига хизмат қилади.

Мамлакатларимиз ўртасида турли йўналишларда, жумладан, маданият ва санъат соҳасида мустаҳкам ришталар мавжуд, деган фикрдаман. Фестивалда франциялик мутахассислар, мусиқашунослар ва санъаткорлар мунтазам иштирок этиб келаётгани ҳам шундан далолат беради.

Ўзбекистонда бундай оламшумул анжуманнинг ўтказилиши таҳсинга сазовор. Бу мамлакатнинг маданиятлараро мулоқотга очиқлиги ҳамда уни янада мустаҳкамлаш тарафдори эканини намоён этмоқда.

**«Дунё» АА.**
Париж

## ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА ТЕЗРОҚ УЙҒУНЛАШИШГА ТУРТКИ БЕРАДИ

1

Ўз навбатида, “Халқаро узумчилик ва виночилик ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги Битимни ратификация қилиш ҳақида”ги қонун бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ёки қўшимчалар киритишни назарда тутмайди.

Халқаро ташкилотга йиллик аъзолик бадалларини молиялаштириш Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан ажратилади ва Давлат бюджетидан молиялаштирилмайди.

Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши соҳа мутахассислари учун дунё сари очилган яна бир улкан эшикдир. У юртимиз далаларида етиштирилган сархил узумларни жаҳон бозорларига чиқаришда ва улардан намунали вино сортлари яратилишида катта аҳамиятга эга.

**Баҳодир ТОЖИЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси.**

## МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИ МУҲОФАЗАСИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

*“Моддий маданий мерос объектларининг муҳофаза қилиниши кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ва ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси объектлари рўйхатига киритилган ҳудудларда моддий маданий мерос объекти ҳисобланмаган бино, иншоот ва бошқа объектларни рухсатнома олмасдан қуриш ёки бузиш бўйича жавобгарликни кучайтиришга қаратилган. Бунга оид нормаларнинг қонунчиликда янада кучайтирилишига етарлича асослар бор, албатта.*

Ўзбекистонда ҳозирги кунда 7476 та моддий маданий мерос кўчмас мулк объекти сифатида давлат муҳофазасига олинган бўлиб, шундан 4308 таси археология, 2079 таси архитектура объекти, 694 таси монументал санъат асари, 395 таси диққатга сазовор жой ҳисобланади. Шу билан бирга, 2,5 миллионта моддий маданий мерос объекти ҳисобланган музей ашёлари ва коллекциялари сақланмоқда.

Ўзбекистон Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенцияни (Париж, 1972 йил 16 ноябрь) ратификация қилган. Ушбу Конвенция доирасида эса Ичан қалъа, Бухоро тарихий маркази, Шаҳрисабз тарихий маркази, Самарқанд — маданиятлар чорраҳаси каби тарихий манзилгоҳлар ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси объектлари рўйхатига киритилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мазкур объектларнинг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссасини сақлаб қолиш учун бугунги кунда юртимизда аниқ таъсир чоралари мавжуд эмас. Бу ҳолат ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси объектлари рўйхатига киритилган ҳудудларни ишончли муҳофаза қилишга салбий таъсир этмоқда.

Шунингдек, Самарқандда ўтказилган таҳлил натижаларида шаҳарнинг тарихий қиёфаси ва муҳитига салбий таъсир этадиган 159 та кўп қаватли бино ва иншоот қурилгани аниқланди. Халқаро экспертлар миссияси мониторинг натижалари Самарқанд шаҳри Умумжаҳон меросининг хавф остидаги объектлари рўйхатига киритилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирмоқда. Шу каби ҳолатлар Хива ва Бухоро шаҳарларида ҳам кузатиляпти.

Қонун фуқароларнинг бу борадаги масъулиятини янада оширишга хизмат қилади. Унга кўра, тарихий қадамжода жойлашган ва шаҳарнинг муайян бўлаги сифатида тарихий қимматга эга бўлган барча объектлар: режавий тарҳ, иморат, композиция, табиий ландшафт, археологик қатлам, шаҳардаги турли (бўш турган, иморатлар қурилган, кўкаламзорлаштирилган) майдонларнинг ўзаро нисбати, катта-кичик ёки узун-қисқа кўринишлари, шаҳар қурилишининг бўлак-бўлак ва хароба ҳолидаги осориатиқалари, саҳни, маҳобати, тузилиши, услуби, материаллари, ранги ва манзарали унсурлари билан ажралиб турадиган бинолар, иншоотларнинг шакли ва ташқи қиёфаси муҳофаза қилиниши керак.

Қонун билан моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик баравaригача, мансабдор шахсларга эса — эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг сайёҳлик соҳасидаги муҳим роль ўйновчи моддий маданий мерос объектлари, тарихий шаҳарлари ва манзилгоҳларини ишончли муҳофаза қилишни кучайтиради.

**Рустам ТЎРАЕВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ — БИЗНИНГ МИЛЛИЙ ҒОЯМИЗДИР

1

Энди уни амалга оширишнинг замон талаблари даражасидаги механизмини яратиш тақозо этилади.

Биринчидан, мактабгача таълимдан олий таълимгача бўлган барча босқичда маънавият ва маърифат тарбияси тизимини шакллантириш зарур. Юртбошимиз ташаббуси билан мактабгача таълимга алоҳида эътибор қаратилгани, чин маънода, тарихий воқеа бўлди. Негаки, ёш авлод тарбияси қанчалик эрта бошланса, шунчалик катта самара беришига тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ўтган аср аввалида маърифатпарвар жадидлар масалани “Авлод тарбияси — миллат тарбияси” тарзида қўйгани ҳам бежиз эмас. Ёш авлод онгини эгаллашга интилиш ҳар қачонгидан ҳам кучайган, ғаразли кучлар бу мақсад йўлида катта-катта маблағлар сарфлашга интилаётган бугунги кунда миллий ғоя тарбияси ҳар қачонгидан ҳам муҳим ва долзарб экани исбот талаб қилмайди.

Иккинчидан, миллатнинг маърифатини юксалтирмай туриб, том маънодаги миллий юксалишга эришмоқ имконсиздир. Бунинг учун мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан қанот ёйган китобхонликка бўлган интилишни янги марраларга кўтармоқ зарур. Адабиёт, маърифат, маънавият соҳасига доир китоблар энг чекка қишлоқ мактаблари ва маҳаллалари кутубхоналарига ҳам етиб боришини таъминлайдиган китоб тарқатиш тизимини яратиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардандир. Ўсиб келаётган ёшларимизни китоб билан етарли даражада таъминламас эканмиз, ўзбек ва жаҳон адабиётининг нодир намуналарини мутолаа қилиши учун шароит яратмас эканмиз, ҳар қандай олий мақсад мақсадлигича қолиб кетиши аниқ. Аён ҳақиқат шундаки, китоб мутолаасидан йироқ тафаккур занглайди, бундай қалбни мудроқ босади, ундай ақл маърифатга йўл топа олмайди.

Миллат маърифатининг ажралмас қисми бўлган диний маърифат масаласини доимий эътиборда тутиш — замон талаби. Юртбошимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти юксак минбаридан туриб “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси ҳақида сўзлагани ва бу ташаббус жаҳон ҳамжамияти томонидан маъқуллангани ҳам айни масаланинг нечоғлиқ устувор аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Бизнингча, мактабгача таълим муассасаларидан то олий таълимгача бўлган тизимда замон талабларига мувофиқ дастурлар асосида ёшларимизга диний маърифат сабоқлари берилишини йўлга қўйиш даври аллақачон келди. Агар ёш авлодга соғлом эътиқод асосларини биз ўзимиз ўргатмасак, бошқалар бузғунчи ғоялари билан улар дунёқарашини заҳарлашга интилиши тайин. Давлатимиз раҳбарининг айнан ёт ғояларга, бузғунчи эътиқодларга, бошқача айтганда, жаҳолатга қарши маърифат билан курашган Абу Муин Насафий каби алломаларимиз меросини ўрганишга эътибор қаратаётгани замирида ҳам айни ҳақиқат ётишини унутмаслигимиз керак.

Учинчи муҳим масала, бизнингча, миллий юксалишнинг асоси бўлган миллий бирлик масаласидир. Мамлакатимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элатлар вакиллари истиқомат қилади. Уларнинг барчасини миллий юксалиш ғояси атрофида янада мустаҳкам жипслаштирмай туриб, маънавият ва маърифат борасида чинакам тараққиётга эришмоқ имконсиздир.

Тўртинчидан, миллий юксалиш ҳақида сўз кетар экан, ўз даврида беназир асарлари билан ана шу мақсадга хизмат қилган буюк Алишер Навоий меросининг ёш авлод қалбига улуғвор бу туйғуни сингдиришдаги аҳамиятини алоҳида таъкидламаслик мумкин эмас. Миллатимизнинг фахри бўлган бу улуғ ижодкор асарларидаги маънолар хазинасидан бебаҳра ҳолда маърифатли бўлиш имконсиздир. Шунинг учун, бизнингча, мактабгача таълимдан олий таълимгача бўлган тизимда, ёш хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, Алишер Навоий асарларини ўқитиш, ўргатиш механизмини ишлаб чиқиш навқирон авлод камолоти учун сув ва ҳаводек зарур. Зеро, осмонўпар тоққа интилган одам тобора баландликка кўтарилгани сингари ҳазрат Алишер Навоий маърифати сари қадам қўйган авлод маънавий камолотга эришмоғи ҳам айни ҳақиқатдир.

Бешинчидан, бирор халқ, бирор миллат ўз қобиғидагина ривожлана олмайди. Чинакам миллий юксалишни таъминлаш учун миллат, айниқса, навқирон авлод жаҳон илм-фанининг энг сўнгги ютуқларини чуқур ўзлаштириши зарур. Мамлакатимизда хорижий давлатларнинг энг нуфузли университетлари филиаллари очилаётгани, ёшларимизнинг ўзаро ҳамкорлик дастурлари асосида жаҳоннинг юқори рейтингга эга олий таълим муассасаларида таҳсил олиши учун кенг имкониятлар яратилаётгани бунинг кафолати эканини эътироф этиш керак. Сўз бу борадаги ишларни янги сифат босқичига кўтариш зарурати ҳақида кетяпти.

Илм-фан ва маънавият-маърифат бир-бири билан боғлиқ, бири иккинчисини тақозо этадиган ҳодисалардир. Ўтган аср аввалида маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий: “Авлодларингизга келар замон илмини ўргатинг. Негаки, улар сиз яшаган даврда эмас, ўзга бир замонда яшайдилар”, дея таъкидлаган эди. Ҳақиқатан ҳам, тараққиётнинг шиддати тобора кучайиб бораётган бугунги замонда ёш авлод учун замонавий илмларни пухта эгаллашнинг ўзи кифоя қилмайди. Улар наинки бугунги, балки эртанги кунда ҳам жаҳон миқёсида кечадиган интеллектуал салоҳият мусобақасида олдинги сафларда бўлмоғи зарур. Бунинг учун фарзандларимиздан жаҳон илм-фани эришган сўнгги ютуқлардан хабардор бўлиш билан бирга, янгидан-янги илмий кашфиётлар устида муттасил изланиш олиб бориш талаб этилади. Бу борада навқирон авлод Беруний, Ибн Сино, Форобий каби буюк аждодларимиздан ўрнак ва намуна олишлари лозим. Уларнинг илмдаги аксар кашфиётлари сири кейинги асрларда ва ҳатто бизнинг замонамизда англаб етилаётгани бунинг исботидир.

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун янгидан-янги орзуларга интилиш учун кенг имкониятлар эшиги очилган бугунги кунда миллий юксалиш ғоясини ҳаётга татбиқ этишдек улкан масъулият зиммамизда турганини унутмаслигимиз зарур. Негаки, ана шу орзу нурли келажакка интилишда барчамизга куч-қувват бағишлайди. Ватан ва миллат тараққиёти шуни тақозо этади. Миллий юксалишга бирданига осонлик билан эришиб бўлмаслиги аён. Бироқ бу йўлдаги амалий ҳаракатларни биз бугуноқ бошлашимиз, агар бошлаган бўлсак, янги суръатда давом эттирмоғимиз зарур. Зеро, бу улуғ мақсад юксак заковатни, чинакам фидойиликни, ғайрат-шижоатни талаб қилади.

**Нурбой ЖАББОРОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор.**

## Ҳаётий эҳтиёж

## Бу заминдан меҳр топдик, қадр топдик

1

Шу муносабат билан ўтказилган тантанали маросимда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва мамлакатимизга давлат ташрифи билан келган Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг иштирок этиши барчамизни беҳад тўлқинлантириб юборди. Мана эътибор, мана қадр!

Тадбирда олий мартабали меҳмон билан учрашиш, суҳбатлашиш имконига эга бўлдим. Корея Республикаси Президенти Ўзбекистонда яшаётган корейс миллатига мансуб фуқаролар ҳаёти, уларга яратилган шароитлар билан қизиқди. Мен, ҳеч иккиланмай, бахтли яшаш учун нимаики зарур бўлса, юртимизда уларнинг барчаси мавжуд, дея қатор мисоллар билан буни изоҳлаб бердим.

Ҳақиқатан ҳам, ўзбек халқининг қайноқ меҳрини, одамийлигини уруш йилларида не-не қийинчиликларни бошидан кечирган, оғир ҳаёт синовлари билан юзма-юз келган корейслар, немислар, поляклар, греклар ва бошқа миллат вакиллари жуда яхши билишади. Энг оғир дамларда ҳам ўзбеклар, ҳатто, бир бурда нонини улар билан бирга баҳам кўрган. Минглаб етимларга бошпана берган. Бу тарихни ҳеч қачон унутиб бўлмайди.

2017 йилда Ўзбекистонда корейс миллатига мансуб юртдошларимиз истиқомат қилаётганининг 80 йиллиги кенг нишонланди. Маълумки, ўтган асрнинг 30-йилларида минглаб корейслар Ўзбекистон заминига келиб қолишган. Ўзбек халқи ўзига хос олижаноблик ва бағрикенглик билан уларни қабул қилиб, бошпана берган. Дунёқараш ва менталитетдаги ўхшашликлар туфайли улар бу ерда ўзларининг иккинчи Ватанини топишди.

Ўзбекистонда яшаётган корейс миллатига мансуб фуқаролар ўзбек тилини билишади, ўзбек халқининг маданияти ва урф-одатлари билан яхши таниш, жамиятнинг тенг ҳуқуқли ва фаол аъзоларидир. Корейс миллати вакиллари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган, давлат бошқаруви органлари, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳасида фаолият юритиб келишяпти.

Ўзбекистон Корейс маданият марказлари уюшмаси томонидан ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Корейс тилида китоб ҳамда газеталар чоп этилмоқда, кўргазмалар, концертлар, фестиваллар, ижодий жамоаларнинг Ўзбекистон бўйлаб ва хорижга гастроллари, ёшлар ўртасида турли спорт мусобақалари ташкил қилиняпти.

Албатта, ҳар бир эзгулик замирида Президентимизнинг оқилона сиёсати, тинчлик-тотувликни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари мужассамдир.

Ўзбекистон — умумий уйимиз! Мана шундай бағрикенг, инсон қадри улуғ диёрда яшаётганимиз учун ҳаётимиздан, тақдиримиздан миннатдормиз.

**Виктор ПАК,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон Корейс маданият марказлари уюшмаси раиси.**

## Давлатимиз ҳаммага ғамхўр

Шу кунларда фарзандларимга, невараларимга бир гапни кўп айтяпман: Ватанни асраш керак, эҳтиётлаш керак, болаларим!

Муаммолар, ташвишлар кимда йўқ? Ҳаммада бор! Лекин бошингизга иш тушса, ким сизни қўллайди? Шу давлат, меҳридарё одамлар-да!

Ўзим I гуруҳ ногирониман. Ношукрлик бўлмасин-у, лекин айтмасам бўлмайди, каталакдек уйда уч ўғилу келинлар, неваралар билан яшаб келаётгандик. “Яхши ният — ярим давлат”, дейишганича бор. Шаҳримизда бунёд этилаётган бири-биридан кўркам биноларни кўриб, “Менга ҳам шундай уйларда яшаш насиб қилармикан?”, деб қўярдим.

Шароитимиздан хабардор “Жўйбор” маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари йўл-йўриқ беришди. Шаҳар ва вилоят ҳокимлиги ёрдам қўлини чўзди. Бир йил деганда орзуимдаги уйлардан бирининг калити қўлимга тегди. Бошим кўкка етди. Дардларимни унутгандай бўлдим. Энди армоним йўқ.

Уй икки хонали. Кенг. Шинам. Алоҳида иситиш тизимига эга. Олдида болалар майдончаси ҳам бор. Невараларим чопқиллаб юришибди. Кўриб, бир суюнаманки, асти қўяверинг.

Янги қўшнилар билан ҳам апоқ-чапоқ бўлиб кетдик. Аксарияти ёшлар. “Холажон, ижарама-ижара юргандик. Уйли бўлдик. Давлатимизга раҳмат”, дейишади. Шунда сўзамоллигим тутади. “Уйли бўлдингиз — Ватанли бўлдингиз. Юрт қадрини билинг. Чунки у онадай азиз. Она эса фарзандини оқу қорага ажратмайди,” дейман.

Рост-да, атрофдаги етти қаватли янги кошоналарга қаранг. Бу ердан мен каби хасталарга ҳам, эҳтиёжманд кишиларга ҳам, истеъдодли ёшларга ҳам имтиёзли уй ажратилди. Демоқчиманки, давлатимиз, Ватанимиз ҳаммага бирдай ғамхўр. Қанийди, шу эътиборга муносиб бўлсак, ўғил-қиз, невараларимизни эс-ҳушли қилиб тарбияласак. Шунда эл-юрт олдидаги қарзимизни узган бўлармидик, дейман-да.

**Роҳила ФАЙЗУЛЛАЕВА.**
Бухоро шаҳри

# МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИГА ҲИССА ҚЎШИШ — ТАРИХИЙ ИМКОНИЯТ

←1

3 246 та ижтимоий соҳа объекти, 2 366 та маҳалла фуқаролар йиғинининг фаолияти ўрганилди.

Сайлов округларида бўлиб ўтган учрашувлар чоғида депутатлар аҳолига парламентнинг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти, қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти, муҳокама этилаётган қонун лойиҳалари, қўмиталар ва фракциялар фаолияти ҳақида амалга оширилган ишлар бўйича ахборотлар беришмоқда.

Айтиш мумкинки, бундай учрашувлар давомида ўн икки мингга яқин масалалар кўтарилди. Парламент вакилларининг саъй-ҳаракатлари билан тўрт ярим мингдан зиёд масалалар жойида ҳал этилди. Тўғри, бу ҳали юз фоиз натижа дегани эмас. Аммо бу рақамлар ортида мушкули осон бўлган инсонлар турганини ҳис қилсак, натижанинг ўзи нақадар салмоқли эканини кўрамиз. Энг муҳими, туман даражасида ҳал этилиши лозим бўлган тўрт мингга яқин масалалар юзасидан тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларга аниқ таклиф ҳамда тавсиялар берилди. Уларнинг ижроси масаласи ҳам шунчаки ташлаб қўйилгани йўқ, депутатларнинг қатъий назоратига олинди. Бундан ташқари, вилоят ва республика миқёсидаги масалалар депутатлик ва парламент назорати воситасида ҳал қилиниши чоралари кўрилмоқда.

Жорий йилнинг 6 ойида Қонунчилик палатаси депутатлари 93 та қонун лойиҳаси устида иш олиб бориб, 16 та алоҳида яхлит қонун ва 31 қонун лойиҳасини ўз ичига олган 14 та жамлама қонунни қабул қилишди ҳамда маъқуллаш учун Сенатга юборишди. Шу билан бирга, ҳудудларни тузиш, тугатиш ва уларнинг чегараларини ўзгартириш масалаларига оид 3 та қарор қабул қилинди.

Бу камми, кўпми, деган савол туғилиши табиий. Агар ушбу рақамларни чақириқнинг биринчи йиллари, яъни 2015-2016 йиллар билан солиштирадиган бўлсак, қонун лойиҳалари сони қарийб 3 баробар ортганини кўрамиз.

Бу жараёнларда давлат бошқаруви органлари фаолияти, қонунлар ижроси, мамлакатни энг муҳим социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожлантириш, давлат дастурларининг сўзсиз бажарилиши устидан таъсирчан парламент назоратини ўрнатиш ва уни тубдан яхшилаш масалалари ҳам алоҳида ўринга эга. Жумладан, ўтган 6 ойда Қонунчилик палатасида 9 та парламент эшитуви ўтказилди, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига 4 та парламент сўрови юборилди, "Ҳукумат соати" доирасида 4 нафар Ҳукумат аъзосининг ахбороти эшитилди, назорат-таҳлил тадбирлари доирасида парламент қуйи палатаси қўмиталарида 63 та давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолияти юзасидан ахбороти эшитилди, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига сайловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан 250 та депутат сўрови юборилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонуний манфаатлари ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида парламент қўмиталари ва депутатларнинг бу борадаги фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Албатта, буларнинг барчаси "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" деган ҳаётий тамойилларни изчил рўёбга чиқаришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, янги Ўзбекистон тараққиётига ҳисса қўшиш — Яратганнинг ўзи бизга берган тарихий имкониятдир.

**Жуманазар ОТАЖОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси**
**Қонунчилик палатаси депутати.**

## Жараён

### НОРАСМИЙ ИШЛАЁТГАН 33936 НАФАР ХОДИМ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИЛДИ

*Айрим тадбиркорлик субъектлари амалдаги тартиб-қоидаларга амал қилмай, солиқ ҳисоботида ишчи-ходимлар сонини камайтириб, қонун бузилишига йўл қўймоқда. Бу каби ҳолатларга барҳам бериш мақсадида Сурхондарё вилояти давлат солиқ хизмати органлари ходимлари тадбиркорлик субъектларида бўлиб, тушунтириш ишларини олиб боришяпти.*

Биргина мисол, Термиз шаҳридаги "Насиба Рамз" масъулияти чекланган жамиятига қарашли шохобчада 8 нафар ходим норасмий ишлаётгани аниқланиб, улар тегишли буйруқ асосида ишга қабул қилинди.

— Норасмий тарзда ишлашнинг салбий томонлари кўп экан, — дейди "Насиба Рамз" масъулияти чекланган жамиятига қарашли шохобча ишчиси Феруза Ҳимматова. — Кўп жойларда бундай ҳолатда бир ёки икки ойда ишдан бўшатиб юборишарди. Фақатгина ўзаро келишув асосида кам миқдорда ойлик маош олардим. Солиқ хизмати ходимлари кўмагида ушбу корхонага буйруқ билан ишга жойлашганимдан мамнунман.

Жорий йилнинг шу даврига қадар норасмий тарзда меҳнат қилиб келаётган 33 минг нафардан ортиқ ходимлар буйруқ асосида ишга қабул қилинди. Бунинг натижасида 1 йил давомида 32,8 млрд. сўм қўшимча солиқ тушумлари ундирилди.

**Сурхондарё вилояти**
**Давлат солиқ**
**бошқармаси**
**матбуот хизмати.**

## ЯНГИЛИКЛАР *хабарлар*
## ТАФСИЛОТЛАР



Зуҳриддин УМРЗОҚОВ (ЎзА) олган сурат.

### Маҳсулотлар арзонлаштирилган нархларда таклиф этилмоқда

*Андижон вилоятида Мустақиллигимизнинг 28 йиллик байрами олдидан озиқ-овқат маҳсулотларининг анъанавий савдо ярмаркалари иш бошлади.*

— Маҳсулотлар сархил, сифатли бўлибгина қолмасдан, нархи бозордагидан 20 — 30 фоиз арзон, — дейди Андижон шаҳрининг 2-кичик даҳасидаги кўп қаватли уйда истиқомат қилувчи Мукаррамхон Баҳриддинова. — Бу ерда харид қилиш билан бир қаторда, байрам дастурларини томоша қилиб, кўнгилли ҳордиқ чиқариш имкони ҳам бор. Бундай шароит яратиб берилганидан жуда мамнунмиз.

Ярмаркалар Андижон шаҳрининг аҳоли энг кўп истиқомат қиладиган 15 та ҳудудида, қолаверса, ҳар бир туман ва шаҳар марказларида фаолият юритмоқда. Уларда 30 дан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари сотуви йўлга қўйилган.

### Берунийда «Рақамли технологиялар ўқув маркази» очилди

*Беруний туманида Президентимизнинг 5 муҳим ташаббуси доирасида "Рақамли технологиялар ўқув маркази" очилди.*

Ушбу марказ ёшларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш, уларнинг замонавий ахборот технологияларидан фойдалана олиш кўникмаларини оширишга кўмак беради. Марказ компьютерлар ва зарур жиҳозлар, Wi-Fi ҳудуди билан таъминланиб, эндиликда унда туман ёшларига ахборот технологиялари, дастурлаш, робототехника, киберспорт асослари ва электрон тижорат каби йўналишларда билим ва кўникмалар берилади.

Қорақалпоғистонда яна учта — Нукус, Мўйноқ ва Қонликўлда ҳам худди шундай марказлар очилади.

### Норинда трицикл ишлаб чиқариляпти

*Ҳаққулободдаги "Norin moto bike" масъулияти чекланган жамияти даставвал фаолиятини катталар учун велосипед ишлаб чиқаришдан бошлаган эди.*

Эндиликда бу ерда бир кеча-кундузда 300 донадан кўпроқ 15 турдаги велосипедлар тайёрланмоқда. Орада мотоцикл, мопед ва скутерлар тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди. Яқиндан бошлаб аҳолига яна бир маҳсулот — трицикл тақдим этилди. У икки тонна юк кўтариш қувватига эга.

— Биз трициклларни харидор истагига мос ҳолда тайёрлаб беряпмиз, — дейди корхонанинг ишлаб чиқариш бўлими мутахассиси Дилшод Алимқулов. — Пировардида янги маҳсулотимизга бўлган талаб ортиб бораётир.

### 650 нафар талабгордан 120 нафар энг иқтидорли ўғил-қиз танлаб олинади

*Ҳалима Худойбердиева номидаги ўзбек тили ва адабиётини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернатга кириш имтиҳонлари бошланди. Барча савол ва мавзулар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан белгилаб берилган ва махсус пакетда муҳрланган ҳолда келтирилган.*

Шуни таъкидлаш лозимки, бу ердаги кўпчилик ўқувчилар ҳали ёш бўлишига қарамай, ўзлари шеърлар машқ қилишади. Оқолтин туманилик Фарангиз Мадаминова ўз шеърларини "Ғунча" журналига топширган. Янгиер шаҳридаги 2-умумтаълим мактаби ўқувчиси Исмоил Мавлонов эса Ҳалима Худойбердиева ҳақида шеър ёзиб, кенг аудиторияларда бир неча марта ўқиб беришга улгурган.

Имтиҳон натижаларига кўра, 120 нафар энг иқтидорли ва чуқур билим эгаси бўлган 12 — 15 ёшли ўқувчилар юқорида номи келтирилган мактаб-интернатга қабул қилиниши кўзда тутилган.

**«Халқ сўзи».**

# ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК ЙЎЛЛАР ВА ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР ЧОРРАҲАСИ

*22 — 27 август кунлари мамлакатимизнинг тўртта шаҳрида "Ўзбекистон — буюк йўллар ва цивилизациялар чорраҳаси: империя, дин, маданият" мавзуидаги маданий мерос ҳафталиги бўлиб ўтади.*

*Тошкент, Термиз, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида ўтказиладиган ушбу ҳафталик ўз кўламига кўра йирик воқеа бўлиб, маънавий-маданий бойликларимизни асраб-авайлаш, аждодларимизнинг инсоният цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, навқирон авлодни тарихий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда аҳамияти беқиёсдир.*

## Ҳафталик

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида ушбу тадбир олдидан ўтказилган анжуманда бу алоҳида таъкидланди.

Хўш, дунёнинг қирқдан ортиқ мамлакатларидан ташриф буюрувчи юзлаб олимлар, тадқиқотчилар, маданият ва санъат вакиллари ҳамда минглаб сайёҳлар эътиборидаги ушбу ҳафталик доирасида қандай тадбирлар ташкил этилади? Уларнинг ўзига хослиги ва аҳамияти нималардан иборат? Бу ҳақда тадбир ташкилотчилари ҳамда хорижлик мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.

**Камола АКИЛОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**маданият вазири ўринбосари:**

— Бугунги глобаллашув даврида инсон онгу қалби учун кураш кечаётгани, одамларни тўғри йўлдан чалғитишга қаратилган таҳдидлар тобора авж олаётгани ҳеч кимга сир эмас. Таҳликали ва мураккаб бу шароитда миллий ўзликни англаш, тарихни, аждодларимизнинг бой меросини чуқур ўрганиш, миллий ғурурни юксалтириш ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир. Ўйлайманки, маданий мерос ҳафталигининг бу борада аҳамияти катта. Унинг доирасида ўтадиган тадбирлар Ўзбекистоннинг буюк ўтмишини тарғиб этиш, ёшларда ватанпарварлик, эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғуларини кучайтириш, халқимизнинг моддий ва номоддий маданий меросига дунё эътиборини янада кенгроқ тортишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларга камарбаста бўлиши, шубҳасиз.

**Татсоу САСАКИ,**
**археология фанлари доктори,**
**профессор (Япония):**

— Ўзбекистондек қадимий ва сеҳрли мамлакатда яна бир бор бўлиб турганимдан ниҳоятда мамнунман. Зеро, бу ерга бир марта келган одам яна қайтгиси, меҳмондўст халқингиз билан суҳбатлашгиси, мўъжизаларга бой тарихий ёдгорликларингиз билан сирлашгиси келади. Юртингизда олиб борилган бир неча илмий тадқиқотларда қатнашганман. Лекин бу сафарги ташрифим маданий мерос ҳафталиги доирасида кечаётгани менга бошқача ҳис-ҳаяжон, ҳузур бағишлаётир. Кўплаб тадбирлар қатори Сурхондарё вилоятига саёҳатни, у ердаги қадимги шаҳарчалар, археологик қазишма ишлари натижалари ва тарихий ёдгорликлар билан танишувни интизор кутяпман. Милодий I — III асрларга мансуб Фаёзтепа будда ибодатхонаси мажмуаси, шунингдек, Термиз археология музейи билан танишув таассуротларга бой ўтишига ишончим комил.

**Эйса ЮСИФ,**
**Археология ва моддий**
**мерослар бўйича директор —**
**Марказий минтақанинг**
**маданий ландшафт бўйича**
**Умумжаҳон мероси қўмитаси**
**раиси (БАА):**

— Ушбу ҳафталик қадим тарихга эга Ўзбекистоннинг дунё маданий тараққиёти бешикларидан бири бўлганини яна бир бор намоён этишига ишонаман. Дарҳақиқат, юртингизда жаҳон илм-фани, айниқса, ислом маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган алломалар, қомусий олимлар камолга етган. Уларнинг мероси неча асрлар ўтса ҳамки, ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Президентингиз ташаббуси билан мамлакатингизда аждодлар меросини ўрганиш мақсадида Имом Бухорий, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказларининг очилгани, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолият юритаётгани эътирофга лойиқ. Бугун дунё олимлари бу илм-фан масканларига катта қизиқиш билдирмоқда. Ўзбекистонда Халифа Усмон жамлатган Қуръон нусхаларининг бири ва Катта Лангар Қуръони саҳифалари сақланаётгани эса халқингизнинг бахти, десам, адашмайман. Уларни кўриш дунё мўмин-мусулмонларининг орзу-истагидир. Ҳафталик доирасида ушбу муқаддас китобларнинг намойиш этилиши тадбирга қизиқишни янада кучайтирмоқда.



**Фредерик СТАРР,**
**Ўзбекистон маданий**
**меросини сақлаш, ўрганиш ва**
**тарғиб қилиш бўйича**
**Бутунжаҳон жамияти Илмий**
**кенгаши аъзоси (АҚШ):**

— Ҳафталик доирасидаги тадбирларнинг илмий қисми маърифий дастурлар билан чамбарчас боғлангани эътиборлидир. Уларда ўз ҳаёти ва фаолиятини Ўзбекистон маданий-тарихий меросини ўрганишга сафарбар этган олимлар қатнашмоқда. Тошкентда ўтадиган Ўзбекистоннинг дунё тўпламларида сақланаётган маданий меросига бағишланган 20 жилд янги китоб-альбом тақдимоти барчани қизиқтириши, шубҳасиз. Қайд этишим керакки, мазкур китоб-альбомни яратишда жаҳондаги кўплаб етакчи мутахассислар қатнашган. Ушбу бебаҳо экспонатни тайёрлашда замонавий технологиялардан унумли фойдаланилган. Китоблар қўшимча эффектлар билан чоп этилган. Мазкур нашрларга суратга олиш гуруҳи томонидан яратилган видеоматериаллар ҳам илова қилинган бўлиб, уларни смартфонни керакли QR-код устига яқинлаштириш асносида кўриш мумкин. Бу китобдаги материаллар ҳақида ўқувчида тўлақонли тасаввур ҳосил бўлиши учун ёрдам беради.

**Дилшод КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# КОРРУПЦИЯ
# УНГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ЎЗИГА ХОС УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА

*Шундай иллатлар борки, у жамиятни турли йўллар билан исканжага олади, демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказади, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, бозорлар фаолиятига тўсқинлик қилади, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради, фуқаролар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисаларнинг илдиз отишига шароит яратиб беради. Англаганингиздек, бу, шубҳасиз, айни пайтда инсониятни ташвишга солаётган глобал муаммолардан бири — коррупция балоси.*

## Таҳлил

Юртимизда кейинги уч йилда ушбу иллатга қарши курашиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Йўналишга оид қонунчилик асослари такомиллаштирилиб, унинг олдини олиш борасида ягона ва самарали механизм яратилди.

Аммо олиб борилаётган тарғибот ишларига қарамасдан, бу балодан тўла-тўкис қутулолмаяпмиз. Ҳар куни оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали порахўрлик жиноятини содир этишда гумонланиб, тергов ҳаракатлари олиб борилаётган шахслар ҳақидаги хабарларни кўриб, бунга амин бўлмоқдамиз.

Хўш, коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашишда яна қандай усулларни қўллаган маъқул? Бу борада Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги мутасаддилари иллатга қарши курашишда қайси йўллардан фойдаланмоқда?

— Айбдор шахслар белгиланган тартибда жазога тортилади, албатта, — дейди Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Нусратулло Парпихўжаев. — Лекин жиноятчини жазолаш билангина иш битмайди. Бу иллатга қарши муросасиз кураш олиб борилиши лозим. Аввало, ҳар бир давлат ташкилоти ўз тизимидаги идораларда коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ ҳаракатларни амалга ошириши, турли хавф-хатарларни баҳолаши, улардаги коррупциявий омилларни минимал даражага тушириши керак. Вазирлигимиз тизимида коррупцияга қарши муросасиз кураш эълон қилинган. Жумладан, жорий йил бошида бу борада иккита муҳим, яъни "Коррупцияга қарши курашиш" ва "Очиқ адлия" дастурларини қабул қилдик. Бу эса кутилган натижаларни бера бошлади.

Таъкидлаш керакки, мазкур дастурлар орқали коррупциянинг олдини олиш бўйича янгича ёндашув қўлланилмоқда. Аввало, бу кенг жамоатчилик ёрдамидан фойдаланишни назарда тутади. Хусусан, фуқароларга адлия органларида фото, видео ва аудио қайд этишга рухсат берилди. Бундан кўзланган асосий мақсад ходимлар масъулияти ва жавобгарлигини оширишдир.

— Очиғи, кўпчиликда нотариуслик "ёғли" жой, деган қараш шаклланиб қолган, — дейди Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи Алишер Эранов. — Шу боис айрим шахслар нотариус бўлиш учун турли ноқонуний ҳаракатларни амалга оширишга ҳаракат қилиб кўришади. Мана шу ҳолатдан келиб чиқиб, танлов жараёнини интернетда онлайн трансляция қилиш бошланди. Бу билан иккита муҳим натижага эришилди. Биринчидан, танлов жараёнининг максимал шаффофлиги таъминланган бўлса, иккинчидан, нотариус лавозимига нопок шахслар қабул қилинишининг олди олинди.

Коррупцияга қарши курашишда энг муҳим масала тизимда содир бўлаётган ҳар бир ноқонуний ҳаракатдан ўз вақтида хабардор бўлиб боришдир. Шу сабабли адлия органларида коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳақидаги хабарлар дарҳол ва ўз вақтида етказилишини таъминлашга қўшимча имконият яратиш мақсадида телеграм ижтимоий тармоғида @antikorbot махсус боти яратилди. Бу орқали шу кунга қадар 2 мингдан ортиқ тезкор хабарлар келиб тушди. Уларга асосан ўтказилган хизмат текширувлари натижасида тизимда ишлаётган 18 нафар ходим лавозимидан озод этилди. Жумладан, нотариус ёрдамчиси мижоздан ортиқча пул маблағи олганлиги учун ўша нотариал идорадаги барча ходимлар билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинди.

Коррупцияга қарши курашишда энг муҳим масала тизимда содир бўлаётган ҳар бир ноқонуний ҳаракатдан ўз вақтида хабардор бўлиб боришдир. Шу сабабли адлия органларида коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳақидаги хабарлар дарҳол ва ўз вақтида етказилишини таъминлашга қўшимча имконият яратиш мақсадида телеграм ижтимоий тармоғида @antikorbot махсус боти яратилди.

Қолаверса, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш методикаси тасдиқланди. Вазирлик таркибий бўлинмалари раҳбарлари томонидан ҳар чоракда тизим идоралари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалга оширилиб, бундай хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган функциялар (ваколатлар) ва лавозимларнинг рўйхатини шакллантириб бориш амалиёти йўлга қўйилди. Мазкур рўйхатга асосан, коррупция хавф-хатари мавжуд лавозимларда ишловчи ходимлар фаолияти қатъий назоратга олинди.

Хусусан, ўтган давр мобайнида вазирлик тизимида 1 028 та қисқа муддатли текшириш (рейд тадбирлари) ўтказилиб, 832 нафар масъул шахсга тегишли жазо чоралари кўрилган. Шу билан бирга, 670 та "сирли мижоз" тадбири орқали реал хизмат олувчи шахс сифатида давлат хизматлари жараёнида қатнашиш орқали хизмат кўрсатишнинг сифати, муддати, шарт-шароити ўрганилиб, 221 нафар масъулга тегишли жазо чоралари қўлланилган.

Тизим ходимлари орасида 5 300 дан ортиқ профилактик суҳбатлар ўтказилиб, бунда ходимларни Адлия вазирлиги ходимларининг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этиш ҳамда ҳуқуқбузарлик содир қилганлик учун қонунда белгиланган жавобгарлик муқаррарлиги тушунтирилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида аниқ режага мувофиқ олиб борилган ишлар асосида Адлия вазирлигида коррупцияга қарши курашиш дастури ишлаб чиқилди. Бунинг натижасида адлия органлари ва муассасаларининг фаолиятида коррупциянинг олдини олишга доир тадбирларнинг самарадорлигини таъминлаш ҳамда адлия органларини "Коррупциясиз соҳа"га айлантириш каби юксак мақсадларга эришиш кутилмоқда.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Ватан мавзумаси

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири.

## Бир ниҳол

Юртдошим, боғингга бир ниҳол қада,
Бу ниҳол номини яхшилик ата.
Ниҳолинг ёнига бир гул экиб қўй,
У гулнинг исмини гўзаллик деб қўй.

Гулу ниҳолингга бахш этиб ҳаёт,
Сув бер ва бу сувга меҳр деб қўй от.
Сендан фарзандингга боғ қолсин, эй дўст,
Боғинг Ватан деган ном олсин, эй дўст.



# ҚАДРИЯТЛАРДА ЎЗЛИГИМИЗ НАМОЁН

*Гулистондаги Ёшлар марказида "Миллий юксалиш — бизнинг миллий ғоямиздир" деб номланган семинар-йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Президентимиз томонидан илгари сурилган "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" ғоясининг мазмун-моҳияти, бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларидаги янгича ёндашувлар, ёшлар тарбиясида маҳалла, оила, мактаб ва кенг жамоатчиликнинг фаол иштироки ҳақида гап борди.*

### Тадбир

Шунингдек, таъсирчан, ёшлар эътиборини тортадиган замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш билан бир қаторда, болаларни миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизга садоқатли қилиб тарбиялаш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди. "Маҳалла — оила — мактаб" ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ҳақида аниқ таклифлар ўртага ташланди.

— Кейинги пайтда ижтимоий тармоқлар, ахборот каналларидаги баъзи фикрлар, хабарларни ўқиб, ҳайрон қоласан, киши, — дейди тадбир иштирокчиси, меҳнат фахрийси Акбарали Мирзааҳмедов. — Қаранг, шундай ҳам бўляптики, айрим юртдошларимиз кўз олдида қурилаётган, халқ манфаати учун хизмат қиладиган уй-жойлар, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ишларни кўриб турганы ҳолда, шукр қилишни унутиб қўймоқдалар. Кечаги кун билан бугуннинг ўртасидаги осмон билан ерча фарқни таҳлил қилиб, хулоса чиқариш, ҳадемай бартараф этиладиган айрим қийинчиликларга сабрли бўлиш ўрнига, ноўрин нолишлар билан кўпчиликнинг энсасини қотирмоқда. Ахир халқимиз энг оғир вақтларда, дейлик уруш йилларидаги мислсиз қийинчиликлар олдида ҳам сабрли бўлишгани тарихдан аён-ку. Бугунги жадал тараққиёт даврида миллий юксалиш ғояси ҳар биримизга доимий йўлдош бўлиши керак.

— Президентимиз 2035 йилгача Ўзбекистонни ривожланган 50 та давлат қаторига киритишни мақсад қилиб қўйганлар, — дейди Гулистон шаҳридаги 5-умумтаълим мактаби директори ўринбосари Моҳидил Зияева. — Бугун мамлакат тақдири, келажаги мактабда ҳал бўляпти. Шунинг учун ҳам "Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари" ғоясини амалга оширишнинг асосий манзили мактаб, деб ҳисоблайман. Вилоятимизда 160 минг нафар ўқувчи бўлса, уларнинг ота-онаси 320 минг нафарни ташкил этар экан. Агар вилоятимизда 830 минг киши яшашини инобатга оладиган бўлсак, аҳолининг катта қисми ўқувчилар ва уларнинг ота-оналаридан иборат. Миллий юксалиш ғоясини ёшлар онгига сингдиришда бу энг асосий майдондир.

Сирдарё вилоятида "Миллий юксалиш — бизнинг миллий ғоямиздир" шиори асосида тарғибот тадбирларининг намунали, самарали ва тизимли услубларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга татбиқ этишга келишиб олинди.

Тадбирда Сирдарё вилояти ҳокими F. Мирзаев сўзга чиқди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# НОЁБ ТОПИЛМА

## ИЛМИЙ ҚАРАШЛАРНИ ЎЗГАРТИРИБ ЮБОРИШИ МУМКИН



*Қадимги Пойкентдан ёш археолог Элбек Собиров металлга ишлов бериш устахонасини топди. Мазкур ёдгорлик бу борадаги илмий қарашларни ўзгартириб юбориши мумкин.*

*Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида ижодий сафарда бўлган "Халқ сўзи" газетаси ходимлари ноёб кашфиёт устидан чиқишди. Улар қадимги Пойкент харобаларида аниқланган устахона (хумдон)га гувоҳ бўлдилар.*

### Ўқинг, қизиқ!

Даставвал Пойкент ҳақида қисқача тўхталсак. Ўрта аср муаррихлари Муҳаммад Наршахий, Табарий, Ибн ал-Хордадбех, Ибн ал-Фақих ва бошқаларнинг асарларида бу гўша "Мадина ал Тужжор" — "Савдогарлар шаҳри" дея эътироф этилган. Таърифланишича, Пойкент Сўғднинг марваридмонанд шаҳри бўлган.

— Кент милоддан аввалги IV асрдан шакллана бошлаган, — дейди Пойкент музейи раҳбари Нормамат Собиров. — VI асрга келиб минтақанинг йирик шаҳарларидан бирига айланади. Истахрий ва Ибн Хавқал Пойкент X асрда кучли мудофаа деворлари билан ўралганини, унда маҳорат билан қурилган жоме масжиди борлигини, масжид меҳроби олтин ва бошқа қимматбаҳо тошлар билан безатилганини ёзиб қолдиришган. Шаҳарда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминловчи, оқова сувларни чиқариб юборувчи махсус канализация тармоғи бўлганининг ўзиёқ аждодларимизнинг юксак ақл-заковатидан дарак беради.

Пойкент не-не босқинларни кўрмади, дейсиз. Аммо у ташқи душманларга асло бўйин эгмади. Фақат бешафқат табиат олдида ожиз қолди. Бир пайтлар ҳайқириб оққан Зарафшон ва Қашқадарёнинг қадим ирмоқлари бу манзилга келмай қолди. Атрофдаги кўллар қуриди. Шаҳар таназзулга юз тутди. Одамлар уни ташлаб кетишди.



Энди бевосита ноёб топилма хусусида. Пойкентдан металлга ишлов берувчи хумдоннинг топилиши илмий қарашларни ўзгартириб юбориши мумкин. Негаки, у милоддан аввалги III асрга тааллуқли Сўғддаги энг қадимий топилма, деб ҳисобланяпти.

— Қадимда Пойкентни ботқоқликлар ўраб турган, — дея мулоҳаза юритади Эрмитаж музейи ходими, Бухоро археологик экспедицияси раҳбарларидан бири Андрей Омельченко. — Бу шу ҳудудда металл хом ашёси мавжуд бўлганини англатади. Биз шундан келиб чиқиб, Пойкентни металлни қайта ишлаш маркази бўлган, дея тахмин қилар эдик. Хумдоннинг топилиши бу илмий фаразни ҳақиқатга айлантиряпти.

Қадимги даврларда бу томонларга қилич, ўқ-ёй, шунингдек, металлдан бўлган иш қуроллари четдан келтирилган, деган қарашлар мавжуд. Энди эса бу фикрлар йўққа чиқмоқда. Бинобарин, пойкентликлар металлни қайта ишлашни ҳам жуда яхши билишган.

Эътиборлиси, бу Пойкент харобаларидан чиққан ягона топилма эмас. Фаолияти Бухоро давлат музей-қўриқхонаси томонидан мувофиқлаштириб борилаётган экспедиция аъзолари сўғд ёзуви туширилган идиш парчаси, фақат Бухоро воҳасида учрайдиган, Сосонийлар даврида зарб этилган тангалар ҳамда ўқ-ёй учини ҳам топишди. А. Омельченконинг бизга билдиришича, дунёда сўғд ёзувини ўқий оладиган тўрт нафар мутахассис бор, холос. Улардан бири Эрмитаж сектори раҳбари Павел Лурьедир. Ёзув нусхаси шу мутахассисга жўнатилди. Бинобарин, ноёб топилмада нима ҳақда ёзилгани тез орада маълум бўлади. Шунингдек, металлни қайта ишлаш хумдони, топилган металл парчалари ва бошқа ашёлар чуқур таҳлил қилинади.

Маълумот тариқасида айтиш лозимки, 1981 йилдан буён Пойкент харобаларида Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти ва Эрмитажнинг Бухоро экспедицияси археологлари томонидан тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

### Хизмат

*Синов тариқасида у 450 йўловчига мўлжалланган. Поезд ҳозирча ҳафтанинг сешанба ва якшанба кунлари қатнайди. Эрталаб соат 06:10 да Навоий шаҳридан йўлга чиқиб, соат 17:25 да Навоий шаҳрига қайтади.*

# ЗАРАФШОН — НАВОИЙ ШАҲАРЛАРАРО ПОЕЗД ҚАТНОВИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Таъкидлаганимиздек, қатнов тест режимида амалга оширилмоқда ва унинг жадвали йўловчиларнинг таклифига кўра ўзгартирилиши мумкин. Тақдим этилган маълумотларга кўра, Навоийдан Зарафшон шаҳригача чипта нархи катталар учун 14 минг сўм, 5 ёшгача бўлган болаларга бепул ва ундан катта ёшдаги вояга етмаганларга эса 6 минг сўм қилиб белгиланган. Манзилга етгунча йўловчиларга турли хизматлар, жумладан, қаҳва, чой, енгил тамадди ва салқин ичимликлар таклиф этилади.

**Темур ЭШБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**Танловда қатнашиш истагини билдирган юридик шахслар диққатига!**

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 апрелдаги
347-сонли қарорига асосан

**«Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси» давлат унитар корхонаси тизимдаги бўш сув ҳавзалари контурларини танлов асосида ижарага бериш «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси орқали амалга оширилишини маълум қилади.**

**Танлов ташкилотчиси:** Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази» ДУК.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, Авиасозлар-4, 68-уй.
Тел.: 71-294-91-39, (91-38).
Электрон почта: https:www.e-auksion.uz
**Танлов предмети:** Айдар-Арнасой кўллар тизими сув ҳавзасидаги 1 901,4 гектардан 2 091,7 гектаргача бўлган жами 78 та участкани балиқ овлаш хўжаликларига саноат балиқ овлашини амалга ошириш учун 10 (ўн) йил муддатга «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси орқали очиқ танлов асосида ижарага бериш.

Талабгорлар электрон танловда қатнашиш учун иштирокчи томонидан тўланадиган закалат пули, ижарага бериладиган сув ҳавзаси контурларининг ижара тўлови йиллик таянч ставкасининг 5 фоизи миқдоридаги тўловни танлов ташкилотчисининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказиб беради:
**«Ипотека-банк» АТИБ Меҳнат филиали**
**х/р: 20210000300792302001; МФО: 00423; СТИР: 305 004 780.**
**Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази» ДУК (электрон танловда қатнашиш учун тўлов).**
**Электрон танловда иштирок этиш учун талабгор ёки унинг вакили шахсан ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни электрон рақамли имзо билан тасдиқлайди.**

Танловда қатнашиш учун талабгорнинг тўлиқ номи ва жойлашган манзили (почта манзили, СТИР) кўрсатилиши лозим.
1. Белгиланган тартибдаги ариза.
2. Балиқ овлашни амалга ошириш бўйича бизнес-режа.
3. Балиқ овлаш ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш учун юридик шахс тасарруфида бўлган моддий-техника воситаларининг (русуми кўрсатилган қайиқлар, моторлар, овлаш қуроллари, автотранспорт воситалари, балиқ ва балиқ воситаларини сақлаш учун совитиш ускуналари ва ҳоказо) мавжудлиги ҳақида маълумотлар.
4. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар комплекси.

**Электрон танловда иштирок этиш учун қизиқиш билдирган юридик шахслар «E-IJRO AUKSION» оператордан қуйидаги маълумотларни олишлари мумкин:**
1. Танловда қатнашиш шартлари, талабгорлар томонидан тақдим этиладиган ҳужжат ва маълумотлар рўйхати;
2. Танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибдаги буюртманома ва ариза намунаси;
3. Танловга қўйилган сув ҳавзаси участка (контур)лари рақами, номлари, жойлашган ўрни, майдони ва сув ҳавзасининг ўртача балиқ маҳсулдорлиги;
4. Участканинг харита-схемаси билан талабгорлар «E-IJRO AUKSION» лотда танишишлари мумкин.

Танлов ўтказилиши тўғрисидаги билдиришнома веб-порталида танловларни ўтказишдан камида 15 календарь кун олдин жойлаштирилади.

Иштирокчилардан аризаларни қабул қилиш танлов объекти жойлаштирилган кундан бошлаб автоматик тарзда амалга оширилади ва танловни ўтказиш санасидан икки кун олдин соат 13.00 да якунланади.

***«Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси» давлат унитар корхонаси.***

682//

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«C and H Industry» МЧЖ ХК**
**Volvo Construction Equipment ва SDLG корхоналарининг**

***Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий дилерлик фаолиятини юритиб келмоқда ва қуйидаги махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади:***

*Ғилдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача).*
*Занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача).*

**Шунингдек, SDLG (Хитой Халқ Республикаси) корхонаси VOLVO GROUP таркибига кириб, экскаватор-юклагичлар, фронтал юклагичлар, автогрейдерлар ва катокларни ҳам ишлаб чиқаради.**

**VOLVO махсус қурилиш техникалари**

Ғилдиракли экскаваторлар | Занжирли экскаваторлар



**SDLG махсус қурилиш техникалари (Volvo Group таркибига киради)**

фронтал юклагичлар | Экскаватор-юклагичлар | Автогрейдерлар | Катоклар



***Таклиф этилаётган барча техника учун кафолат муддати тақдим қилинади.***
***Техник хизматлар кўрсатиш маркази ва эҳтиёт қисмлар омбори мавжуд.***

**Тўлов шартлари: пул ўтказиш, лизинг.**

Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзгариш» КФЙ, Беларик маҳалласи, 712-уй. (Мўлжал: «Турон» автосалони).
**Тел.: 90-123-77-77, 71-252-50-03.**
www.motoblok.uz t.me/motoblokuz

416//

Маҳсулотлар сертификатланган.

Ушбу жойда **Сизнинг** рекламангиз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги **Реклама** — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

01

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 50 603 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.05 Топширилди — 00.55 1 2 3 4 5 6